

---

## "ОНАЛАР - ЯШИЛ МАКОН САРИ"

Бағдод туманидаги маҳаллаларда томорқадан унумли фойдаланиш, хонадон учун бирламчи зарур сабзавотлар, кўча ва хонадонларга эса гул ва райҳон экиш бўйича оммавий тадбирлар бошланди.

"Кўштегирмон" маҳалла фуқаролар йиғинининг Узун кўчасида яшовчи 95 ёшли Қурбоной момонинг ижобатли дуолари билан дебоचा олган эзгу саъй-ҳаракат маҳалла аёлларини бир мақсад йўлида бирлаштирди.

Туманнинг "Пахтаобод" маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли Шоирахон Аҳмедова хонадонидида томорқадан унумли фойдаланиш мақсадида "ОНАЛАР - ЯШИЛ МАКОН САРИ" шиори остида амалий тадбир давом этди. Мўъжазгина иссиқхонага экилган помидор, бодринг, қалампир кўчатларини парваришlash бўйича тажриба алмашилди.

Оммавий тадбирларда катнашган фаол хотин-қизлар, уй бекаларига гул кўчатларини экиш ва парваришlash, уларнинг сотувини йўлга қўйиш орқали моддий манфаатдорликка эришиш борасида фойдали тавсиялар берилди.

**Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.**

2023-03-27 16:47:05